

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ХОНАДОНЛАРДА ТОМОРҚАЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2025

Хонадонларда томорқалардан самарали фойдаланиш. Услубий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2025 й. – 40 б.

ISBN

*Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А. Ташкулов ва
Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси
ўринбосари У. Мухаммадиевнинг умумий таҳрири остида*

Ушбу услубий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада томорқадан самарали фойдаланиш орқали аҳоли даромадларини ошириш, томорқа эгаларининг ҳуқуқлари, уларга тақдим этилган қонунчиликдаги имтиёзлар, мазкур ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш тартиби содда тилда баён этилган.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

© “Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази, 2025 йил

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Томорқадан фойдаланиш фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари.....	5
Аҳолида томорқадан фойдаланиш маданиятини шакллантириш	7
Томорқа хўжалигида меҳнат фаолияти.....	11
Томорқа эгалари учун ажратиладиган кредитлар.....	16
Маркетплейс тизими билан ишлаш.....	28
Томорқа эгаларига субсидия ва грантлар ажратиш	31

КИРИШ

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимиздаги 10 мингга яқин маҳалла фуқаролар йиғинларида 5,5 миллиондан зиёд томорқа ер эгалари фаолият юритади.

Албатта, томорқа қўшимча даромад манбаи, шу билан бирга, ер билан ижод қилиш, тажриба ўтказиш ва ундан унумли фойдаланишни ўрганадиган майдондир. Азалдан миришкор халқимиз ердан унумли фойдаланиш барака манбаи эканини яхши билган.

Сўнгги йилларда томорқасидан йилига икки-уч маротаба ҳосил олиб келаётган деҳқонларимиз сони йил сайин ортиб бормоқда. Илм-фан ютуқларини ўз томорқаларида жорий қилаётган тадбиркор деҳқонларимиз ҳам анчагина.

Ер билан муносабатда ўзига хос анъаналарга эга бўлган томорқа хўжаликларининг давлат томонидан ҳуқуқий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, соҳага оид ҳуқуқий база мустаҳкамланди. Томорқа ер эгаларини моддий-техник ресурслари – уруғликлар, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, техника воситалари, имтиёзли кредитлар билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Шу ўринда, томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, соҳага замонавий бошқарув тизимини жорий этиш, юқори даромадли ва экспортбоп маҳсулотлар етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлашда Президентимизнинг 2025 йил 14 февралдаги ПФ–22-сон Фармони янги босқични бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди.

“Маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган ушбу қўлланмада томорқадан самарали фойдаланиш орқали аҳоли даромадларини ошириш, томорқа эгаларининг ҳуқуқлари, уларга тақдим этилган қонунчиликдаги имтиёзлар, мазкур ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш тартиби содда тилда ифодаланган.

Қўлланма аҳоли ва маҳалладаги масъул ходимлар учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

ТОМОРҚАДАН ФОЙДАЛАНИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси



Ўзбекистон Республикасининг “Томорқа хўжалиги
тўғрисида”ги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 14 февралдаги “Томорқа ер эгалари
ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида замонавий
ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий
қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари
тўғрисида”ги ПФ–22-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 10 сентябрдаги “Деҳқон хўжаликлари
ташkil этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли
даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–373-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрдаги “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–54-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4767-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3680-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 252-сон қарори

АҲОЛИДА ТОМОРҚАДАН ҲОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ



Нега томорқадан самарали ҳоёдаланишни тарғиб қилиш керак?

Ҳудудда мавжуд ер участкаларидан самарали ҳоёдаланиш:



аҳоли бандлигини таъминлайди;



аҳоли даромадларининг ошишига хизмат қилади.



Мазкур икки омилнинг мавжудлиги, ўз навбатида, ишсизлик, боқимандалик, қашшоқлик каби салбий ҳолатларнинг аниқ бир оила, маҳалла кесимида келиб чиқмаслигини таъминлайди.



Юртимизда томорқа юритиш маданияти минг йиллар давомида шаклланган, айрим ҳудудларда, таъбир жоиз бўлса, дўппидек ерга ҳам нимадир экиб даромад олишга, рўзғорини бутлашга ҳаракат қиладиган инсонлар кўп.

Газетадаги хабардан:

Ўрта Чирчиқ тумани “Усмон ота” маҳалласида истиқомат қилувчи 80 ёшли Фозил ота ҳамда 72 ёшли Атка ая Хошимовалар ўз хонадонларидаги 6 сотих майдонда 2010 йилда 70 туп кўчатли иссиқхона ташкил қилиб, нафақадаги вақтларини мазмунли ўтказишмоқда.

Жорий мавсумда иссиқхонадан салкам 35 миллион сўм даромад ҳам олишга эришишди.

– Ўша вақтларда лимон кўчатларини Сурхондарёдан олиб келиб эккан эдик. Иссиқхонамизда лимоннинг маҳаллий шароитга мослаштирилган навини экиб, сифатли, мўл ва мунтазам ҳосил олмоқдамиз. Бу нав бўйи нисбатан кичиклиги ва эрта ҳосил бера бошлаши билан бошқаларидан ажралиб туради. Яхши парвариш қилинганда ҳар тупидан 300 – 400 тагача лимон мевасини олмоқдамиз, – дейди Атка ая Хошимова.

Юқоридаги хабар ҳам аҳолининг томорқадан қандай манфаат олишни яхши тушунишини кўрсатиб турибди.



*Сўнгги йилларда айнан томорқадан фойдаланишни тартибга солишга қаратилган **10 дан ортиқ ҳужжат** қабул қилинган. Бу эса ўз навбатида, Ҳукумат ҳам айти шу йўналиш истиқболига катта ресурслар сарфлаётганини кўрсатади.*



Шундан келиб чиқиб, биз томорқадан самарали фойдаланишни тарғиб қилишимиз, мазкур соҳада қонунчилик ҳужжатларининг мазмунини тушунтиришимиз, аҳолига яратилган ҳар бир имтиёз ҳақида тўғри маълумот бериб, ушбу имтиёزلардан фойдаланишни ўргатишимиз зарур.

Томорқа нима?

Томорқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ёхуд якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш мақсадида ажратилган ер участкасидир.

Томорқадаги фаолият ер эгасининг ва оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Томорқада банд бўлган ёки мазкур майдонда чорвачилик, иссиқхона хўжалиги, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик, лимончилик, гулчилик

билан шуғулланаётган томорқанинг эгаси ёки унинг оила аъзолари (уларга тегишли томорқанинг майдонидан ёки улар томонидан парвариш қилинаётган уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг сонидан қатъи назар) ихтиёрий равишда ижтимоий солиқ тўлаши мумкин.

Ижтимоий солиқнинг белгиланган миқдорини бир марта тўлаш меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш чоғида бир календарь йил деб, неча йил ҳар гал тўлиқ тўлаб борилган бўлса, шунча йиллик стаж сифатида ҳисобга олинади.

2025 йил 1 февраль ҳолатида мазкур солиқ йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдорини (375 минг сўм) ташкил этади.

Бу муҳим!

Томорқага эгалик ерни сотиб олиш (аукцион, бошқа фуқародан сотиб олиш), ҳадяга олиш, мерос каби усулларда вужудга келади.

“Томорқа хизмати” МЧЖлар нима?

“Томорқа хизмати” МЧЖ – фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига шартнома асосида зарур моддий ресурслар, шу жумладан, уруғлар, кўчатлар, таралар, техника, чорва моллари, парранда, қуён, асалари уяси, балиқ, қишлоқ хўжалик техникалари ҳамда эҳтиёт қисмлари, омухта ем, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун кимёвий воситалар ва асбоб-ускуналар етказиб бериш, шунингдек, иссиқхоналар қуриб бериш, ерларни рекультивация қилиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, суғориш тизимини яратиш ва яхшилаш, сув насослари ўрнатиш, артезиан қудуқлар қазииш ва томчилатиб суғоришни ташкил этиш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларидан харид қилинган, шунингдек, ўз майдонларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, қуриштириш, қадоқлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни ички ва ташқи бозорларда сотиш ҳамда экспорт қилиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъект.

? “Томорқа хизмати” МЧЖлар Реестрга қандай киритилади?

“Томорқа хизмати” Тадбиркорлик субъектлари реестри (кейинги ўринларда – Реестр) – “Томорқа хизмати” тадбиркорлик субъектларининг (ЯТТ, МЧЖ) тизимлаштирилган рўйхати ва улар ҳақидаги маълумотлардан иборат ягона маълумотлар базаси.

Реестрга Ўзбекистон фермерлари кенгашига аъзо бўлган “Томорқа хизмати” МЧЖлар киритилади.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши **Ўзбекистон фермерлари кенгаши** этиб қайта номланди.

*(Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг
14.02.2025 йилдаги ПФ–22-сон Фармони)*

“Томорқа хизмати” Тадбиркорлик субъектлари реестрини шакллантириш ва юритиш Ўзбекистон фермерлари ҳудудий кенгашлари (кейинги ўринларда – ҳудудий кенгаш) томонидан Ўзбекистон фермерлари туман кенгашлари (кейинги ўринларда – туман кенгаши) билан биргаликда амалга оширилади.

“Томорқа хизмати” МЧЖларини Реестрга киритиш ва уларга реестр рақамини бериш ҳудудий кенгаш томонидан амалга оширилади.

Реестрга киритиш учун “Томорқа хизмати” тадбиркорлик субъектларига қўйиладиган ТАЛАБЛАР

Т/р	Кўрсаткичлар	Талаб
1.	Мотокультиватор (мотоблок)	2 дона
2.	Трактор ёки минитрактор*	1 дона
3.	Юк сақлаш омборхонаси (усти ёпиқ бостирма ёки кўчма музлаткич)*	50 тонна сизимда
4.	Дори пуркагичли ускуна	4 дона
5.	Хонадонга хизмат кўрсатиш учун шартномалар	ҳар йили 500 хонадонга

* Бино ва иншоотлар, минитрактор ижара муносабатлари асосида фойдаланилиши мумкин.

ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

Томорқа эгаларининг ҳуқуқлари



Томорқа эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ✓ томорқани эркин ва мустақил равишда бошқариш, шу томорқада етиштирилган ҳамда мустақил тарзда қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини эркин тасарруф қилиш, мустақил равишда нарх белгилаш ва олинган даромадларни ишлатиш;
- ✓ ўзи етиштирган ёки қайта ишлаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорларда, савдо шохобчаларида мустақил равишда ёки ўз вакиллари орқали монеликсиз ва эркин сотиш;
- ✓ агрокластерлар билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперативларига ихтиёрий равишда аъзо бўлиш;
- ✓ иссиқхоналар ташкил этиш, уруғликлар, кўчатлар, чорва моллари ҳамда паррандалар, қишлоқ хўжалиги асбоб-анжомлари ва ускуналари, суғориш қурилмалари (насослар, артезиан қудуқлар ва бошқаларни) сотиб олиш учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёزلардан, шу жумладан имтиёзли кредитлардан, субсидиялардан ва бошқа преференциялардан фойдаланиш;
- ✓ ерга оид ташкилотларнинг ҳамда хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва реализация қилишга доир хизматларидан фойдаланиш;

- ✓ шахсий томорқа ер участкаларида давлат органларининг, шу жумладан архитектура-қурилиш, экология, санитария-гигиена органларининг ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминловчи органларнинг рухсатномасини олиш заруратисиз енгил конструкциялардан иссиқхоналар қуриш;
- ✓ сув ресурсларидан фойдаланиш.

Томорқа эгаларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:



Худудларнинг янги "ўсиш нуқталари"ни яратиш ҳамда томорқани аҳолининг барқарор даромад манбаига айлантириш мақсадида **Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича кенгаш** (кейинги ўринларда – Кенгаш) тузилди.

Кенгашнинг асосий вазифалари:

-  энг кўп экспорт қилинадиган маҳсулотлар (узум, шафтоли, гилос, хурмо, ўрик, майиз ва бошқа) билан бирга экспорт салоҳияти юқори бўлган резаворлар, олма, нок, лимон ва бошқа мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни ва экспортини ривожлантириш;
-  Янгийўл, Олтиариқ, Кува, Асака, Ангор, Денов, Қўшработ каби туманларда экспорт ривожланишининг аҳоли томорқалари ва ижара ер майдонларидан чуқур ихтисослашув асосида самарали фойдаланишга ижобий таъсирини инобатга олиб, алоҳида компания ташкил этиш орқали ушбу тажрибани босқичма-босқич республиканинг қолган туманлари ва маҳаллаларига татбиқ этиш;
-  тегишли ҳудудда аҳоли томорқалари ва узоқ муддатли ижарага берилган ер майдонларининг босқичма-босқич 75 фоизда бир хил турдаги ва стандартдаги маҳсулотлар етиштириш бўйича ихтисослашувга эришишни таъминлаш;
-  ҳар бир танлаб олинган йўналишда дастлабки босқичда 100 та маҳалладаги аҳоли томорқалари ва узоқ муддатли ижарага берилган ер майдонларида ихтисослашувни чуқурлаштириш, кейинчалик уларнинг сонини 500 тага олиб чиқиш;
-  фаолияти ташқи бозорларда барқарор талабга эга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг миллий брендларини яратиш ва сифатини ошириш орқали экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтиришга қаратилган масъулияти чекланган жамият шаклидаги ихтисослашган компанияларни ташкил этиш;
-  аҳоли томорқаларида ва ижарага берилган ер майдонларида иссиқхоналар ташкил этиш, эски боғларни янгилаш, яшил ва инновацион технологиялардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги механизмларни такомиллаштириш ва янгиларини жорий этиш;

- ✓ туман ва маҳаллаларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, ҳудудларда кичик ва ўрта ҳажмдаги логистика марказларини ташкил этиш учун тадбиркорларга қулай шартларда кредит ва лизинг ажратиш ва бошқа турдаги молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш.

2025 йил 1 майдан бошлаб Кенгаш томонидан алоҳида маҳсулот турларини етиштиришга ихтисослашган томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликларининг нуфузини ошириш, маҳсулот брендини яратиш ва қайта ишловчи ва экспорт қилувчи корхоналарга қўмаклашишга қаратилган намунали аҳоли томорқаси, **намунали маҳалла, намунали иссиқхоналар рейтинги** тузилади ҳамда ҳар йили оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилади.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига (кейинги ўринларда – Вазирлик) деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларини ривожлантириш билан боғлиқ қуйидаги вазифа ва функциялар юкланган:

- ✓ аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларидаги **ер майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказиш** ва уларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобини юритиш ҳамда **“Online mahalla”** платформасида аниқ ва батафсил маълумотлар базасини шакллантириш;
- ✓ туман ва маҳаллаларнинг ихтисослашув бўйича салоҳият ва имкониятларидан келиб чиқиб, томорқаларда юқори даромадли маҳсулотлар етиштиришни яшил ва инновацион ёндашувлар асосида ташкил этиш орқали аҳолининг юқори даромадли **меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва уларни камбағалликдан чиқариш;**
- ✓ маҳаллаларда ҳар бир аҳоли томорқасидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ерни тайёрлаш, уруғ, кўчат ва дарахтлар экиш, иссиқхоналар қуриш бўйича ишларни ташкил этиш ва юзага келаётган муаммо ва камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф

етиш бўйича вазифалар ва чора-тадбирларнинг ижроси устидан қатъий **назорат қилиш тизимини йўлга қўйиш;**

-  сув таъминоти оғир бўлган маҳаллаларда суғориш тизимини яхшилаш, аҳоли томорқаларида бир хил тур ва стандартдаги **экспортбоп маҳсулотлар етиштиришни таъминлаш;**
-  томорқалар ва узоқ муддатга ижарага берилган экин ер майдонларидан фойдаланишда аҳоли ва етакчи тадбиркорларнинг кўп йиллик тажрибаси ва кўникмалари ҳамда ҳудуднинг табиий ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, ташқи ва ички бозорларда **харидоргир маҳсулотлар етиштириш бўйича ихтисослашувни** чуқурлаштириш;
-  етакчи экспортчи тадбиркорлар салоҳиятидан томорқаларда юқори даромадли ва экспортбоп маҳсулотларни етиштириш билан бирга аҳолининг тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш ва банк мижозига айланишига кўмаклашиш мақсадларида ҳам **фойдаланиш амалиётини кенгайтириш;**
-  аҳоли томорқаларида энерготежамкор, яшил ёндашувлар асосидаги иссиқхоналар қуриш, кичик интенсив боғлар барпо этиш ва инновацион суғориш **технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш.**

ТОМОРҚА ЭГАЛАРИ УЧУН АЖРАТИЛАДИГАН КРЕДИТЛАР

● Имтиёзли кредитлар



Томорқа эгаларига кредитлар Марказий банкнинг асосий ставкасидан **4 фоизлик** пункт юқори йиллик ставкада (ҳозирги кунда жами **18 фоиз** ставкада, шундан **4 фоизи** банк маржаси) ажратилади.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида бизнесни йўлга қўйиш учун томорқа ер эгаси иссиқхона қуриш, чорва моллари боқиш, томорқага мавсумий экинлар экишда бериладиган кредитлар олиш бўйича аризани мустақил равишда ёки ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси (oilakredit.uz) орқали тақдим этади.



Кредит олиш усуллари:

ҳоким ёрдамчисининг
кўмагида www.oilakredit.uz
платформаси орқали

мустақил равишда
www.oilakredit.uz платформаси
орқали

Қуйидаги мақсадларда имтиёзли кредитлар ажратилади:



чорвачилик (қорамол, қўй, эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун – **1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилдан 4 йилгача муддатга;**



боғдорчилик (кўчатчилик), узумчилик (ток сўриси) ва лимончиликни ташиқил этиш, иссиқхона қуриш, қишлоқ хўжалиғи техникаси ва асбоб-ускуналарини харид қилиш ҳамда уларни жойлаштириш учун бино ва иншоотлар қуриш, кўчма музлаткичларни ўрнатиш, артезиан қудуқларини қазиш учун – 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга.

Шунингдек, қуйидағи мақсадларда ҳам кредитлар ажратилиши мумкин:



кичик интенсив боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик;



полиз, дуққакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик учун ажратилади.

Дастурлар доирасида кредитлар нималар учун ажратилмайди:



илғари олинган кредитлар-
ни ёки ҳар қандай бошқа
қарзларни қайтариш;



алкоголь ва тама-
ки маҳсулотлари
ишлаб чиқариш;



савдо-восита-
чиликни амалга
ошириш;



умумий овқатланиш таш-
килотларининг айланма
маблағларини шакллантириш;



ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) мақсадлари учун
ишлатилмайдиган шахсий мулкни (мебель, уяли
телефон, маиший техника ва бошқалар) сотиб олиш;



енгил автотранспорт воситалари (ишлаб чиқариш
ва хизмат кўрсатишда иштирок этувчи кичик
мототранспорт воситалари бундан мустасно),
жумладан, йўловчи ташувчи автомобиллар сотиб олиш;



маъмурий харажатларни тўлаш, жумладан, хизмат автомобиллари таъминоти;



бино ва иншоотлар сотиб олиш ва қуриш (Хунармандчиликни ривожлантириш дастури, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш дастури доирасида дала дўкони, уруғлик, минерал

ўғит ва кўчат дўконлари ташкил қилиш ҳамда енгил конструкцияли бино ва иншоотлар қуриш, кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш йўналишида қурилиши 25 – 30 фоиз якунига етказилмаган бинолар қурилишини якунига етказиш, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ биноларни таъмирлаш бундан мустасно) учун.

Чорвачиликни ривожлантириш йўналишида кредитлар ажратишда асосий эътибор сут йўналишидаги қорамол ҳамда совлиқ қўй ва эчки сотиб олишга қаратилади.

Сотиладиган чорва молларининг ҳар бири бўйича ветеринария хизматининг ветеринария паспорти бўлиши шарт.



Чорвачиликни ривожлантириш йўналишидаги кредитлар четдан келтирилган ёки маҳаллийлаштирилган (наслчилик хўжаликларида етиштирилган) ва ветеринария бўлими томонидан идентификация қилинган (биркалаш усули) чорва молларини (қорамол, қўй, эчки) боқиш учун ўзини ўзи банд қилган шахсларга ажратилади.

Бунда, кредитлар томорқада бизнесни йўлга қўйиш учун ўзларининг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик қилиш истагини билдирган аҳолига иссиқхона қуриш, чорва моллари боқиш, томорқага мавсумий экинлар экиш учун бериладиган кредитлар бириктирилган банк ва ҳоким ёрдамчисининг ушбу тадбирлар амалга оширилиши борасидаги кафилиги асосида нақд пулда берилиши мумкин.

Имтиёзли кредитларни олиш тартиби

-  Кредитлар “Агробанк” АТБ, АТ “Халқ банки” ва “Микрокредитбанк” АТБ орқали ажратилади.
-  Кредитлар аҳолига қўшимча даромад манбаи яратиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадлари учун ажратилади.
-  **Ягона электрон платформа** – дастурлар доирасидаги кредитларнинг тўлиқ рақамлашган ҳолда ажратилишини таъминлайдиган Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси (oilakredit.uz).

Ягона электрон платформа орқали аризаларни кўриб чиқиш

Дастурлар доирасида кредит аризалари қарз олувчи томонидан мустақил равишда ёки ҳоким ёрдамчиларининг кўмаги билан Ягона электрон платформа орқали тақдим этилади.

Кредит ажратиш тўғрисидаги аризалар барча босқичларда Ягона электрон платформада онлайн кўриб чиқилади ва ҳар бир босқичда қабул қилинган қарор тўғрисида платформа орқали (телеграм бот,

СМС-хабарнома, электрон почта ёки шахсий кабинет) маълумот бериб борилади.

Қарз олувчи ариза билан биргаликда кредитдан самарали фойдаланиш бўйича ўзининг дастлабки ҳисоб-китобларини электрон кўринишда Ягона электрон платформа орқали тақдим этади.

Ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга (асосий иш жойига эга шахслар бундан мустасно) ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига **33 миллион сўмгача** бўлган миқдорда кредит ажратилишида ҳоким ёрдамчисининг тавсияномаси асос ҳисобланади. Бунда тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталайди.

Бир йилдан сўнг ушбу қарз олувчининг тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги, қарзнинг мақсадли ишлатилганлиги ҳамда заруратга қараб гуруҳ кафиллиги (**камида 3 нафар фуқаро**) билан қўшимча **50 млн сўмгача** револьвер асосида кредит ажратилади.

Револьвер кредит – банк кафолатида, кредит қўллаб-қувватлаш дастаги, қўшимча кредит қўшишга рухсат берадиган ва унинг



миқдори лимитдан ошса, автоматик равишда тикланадиган кредит тури ҳисобланади.

“Темир дафтар”, “Аёллар” дафтари, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларнинг кредит олиш юзасидан аризалари алоҳида навбат асосида кўриб чиқилади.

Бунда Дастурлар доирасида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга ажратилган имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланилиши ва ўз вақтида сўндирилиши юзасидан маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчиси маҳалла раиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва тижорат банклари билан биргаликда доимий мониторинг ва назорат тизимини ўрнатади.

Скоринг баҳолаш

Ягона электрон платформа орқали аризалар белгиланган мезонлар асосида скоринг баҳолаш натижаларига кўра бир кун муддатда автоматлаштирилган ҳолда кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Қуйидаги ҳолларда қарз олувчининг аризаси Ягона электрон платформа томонидан скоринг маълумотлари асосида автоматик равишда рад этилади:

- қарз олувчининг Ягона электрон платформада кўриб чиқиш жараёнида аризаси мавжуд бўлганда;
- 18 ёшга тўлмаган фуқаро номидан ариза берилганда;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга;
- муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган ёхуд меҳнатга лаёқатсиз фуқаро номидан ариза берилганда;
- қарз олувчининг дастур доирасида тўлиқ қайтарилмаган кредити мавжуд бўлганда (Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратиладиган кредитлар бундан мустасно);

- қарз олувчининг банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлганда;
- аввал ажратилган кредитлардан мақсадсиз фойдаланилганда;
- салбий кредит тарихига эга бўлганда;
- қарз олувчининг солиқ органлари, мажбурий ижро бюроси органлари ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд бўлганда.

Скоринг натижасига кўра қарз олувчининг ижобий баҳоланган аризаси кўриб чиқиш учун ҳоким ёрдамчисига келиб тушади.

Ҳоким ёрдамчиси томонидан тавсиянома бериш

Ҳоким ёрдамчиси қарз олувчининг аризасига асосан жойига чиққан ҳолда, унинг фаолият тури бўйича шарт-шароитлари, имконияти ҳамда етарли кўникмаси мавжудлигини ўрганиб, ўрганиш натижаси бўйича фотоҳисобот ва қарз олувчининг харитадаги жойлашувини илова қилган ҳолда кредит ажратиш учун тавсиянома ёки кредит ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосани беш иш куни мобайнида Ягона электрон платформага жойлаштиради.

Ҳоким ёрдамчилари томонидан кредит ажратиш учун тавсияномалар устувор равишда, кредитлардан аввал фойдаланмаган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига берилади.

Ҳоким ёрдамчиси тавсиянома беришдан аввал амалга оширилаётган лойиҳанинг ўзига хос хусусиятлари ва мавсумийлигини инобатга олган ҳолда “Ҳунарманд” уюшмаси, Бандликка кўмаклашиш ва маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги жамғармалар, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда соҳага масъул уюшма ва ташкилотларнинг хулосаларини олиш, улар орқали тегишли қарор қабул қилиш ваколатига эга.

Ҳоким ёрдамчисининг Ягона электрон платформа орқали юборган сўровига тегишли ташкилотлар томонидан уч иш куни мобайнида жавоб берилиши лозим.

Кредит ажратиш тўғрисидаги ариза бўйича тавсиянома бериш учун ҳоким ёрдамчиси томонидан тегишли ташкилотларнинг хулосасини олиш зарур бўлганда, қарор қабул қилиш тегишли муддатга узайтирилади.

Ҳоким ёрдамчиси қарз олувчининг лойиҳасини ўрганиш жараёнида лойиҳани амалга ошириш имкониятлари ва мавсумийлигидан келиб чиқиб, лойиҳага қарз олувчи билан келишган ҳолда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар Вазирликнинг тегишли ҳудудий бўлинмаси тавсияномасига кўра ҳамда ҳар бир маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчиси томонидан бериладиган тавсияномалар асосида ажратилади.

Тадбиркорлик субъектларининг маҳаллаларда, шу жумладан, ташкил этилган микромарказларда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаси, ҳунармандчилик ҳамда аҳоли билан кооперация ва касаначиликни кенгайтиришга йўналтирилган лойиҳалари учун ҳоким ёрдамчиларининг тавсияномаси асосида кредит ажратиладиган лойиҳаларда ташаббускор камида ўттиз фоиз улуш билан иштирок этишига эътибор қаратилиши лозим.

Қуйидаги ҳолларда тавсияномалар берилмайди:

-  лойиҳани амалга ошириш учун қарз олувчида шарт-шароит мавжуд бўлмаганда;
-  йил мавсумийлигидан келиб чиқиб, мавсумга хос бўлмаган ҳолда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига;
-  ариза берувчи номидан бошқа фуқаро кредит олишни мақсад қилганлиги аниқланганда;
-  қонунчиликка зид бўлган фаолият амалга оширилиши аниқланганда;
-  дастурлар доирасида аввал берилган кредитларнинг ўз вақтида сўндирилмаслиги натижасида ресурслар етарли бўлмаганда.

Ҳоким ёрдамчиси томонидан кредит ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосада унинг сабаблари кўрсатилиши зарур.

Ҳоким ёрдамчисининг ижобий тавсияномаси асосида қарз олувчининг аризаси кўриб чиқиш учун Ягона электрон платформа орқали тижорат банкига тақдим этилади.

Тижорат банкида етарли ресурс маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, ҳоким ёрдамчиси томонидан аризалар аввал берилган кредитларнинг сўндирилиши ҳамда қўшимча маблағлар ажратилиши ҳисобидан ресурс шакллантирилгунга қадар Ягона электрон платформада электрон навбат асосида юритилади ва бу борада қарз олувчига тегишли маълумотлар бериб борилади.

Деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратиладиган кредитлар ташаббускорларга лойиҳабай шакллантирилган буюртманомалар асосида Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш манбаларида назарда тутилган маблағлардан ташқари ва навбатсиз расмийлаштириб берилади.

Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш

Ягона электрон платформага гаров таъминоти билан боғлиқ маълумотлар қарз олувчи томонидан электрон шаклда тақдим этилади.

Молиялаштириладиган лойиҳаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, банкнинг ички кредит сиёсати талабларини инобатга олган ҳолда, қарз олувчидан қўшимча ҳужжатлар сўраб олиниши мумкин.

Тижорат банкларига тақдим этилган ҳужжатларда номутаносиблик, хато ва камчилик аниқланганда ҳамда зарур гаров таъминотлари тақдим этилмаганда, кредит ажратилиши рад этилади ва бу тўғрисида ҳоким ёрдамчиси ва қарз олувчи Ягона электрон платформа орқали хабардор қилинади.

Қарз олувчи бир ой ичида ҳужжатлардаги номутаносиблик, хато ва камчиликларни бартараф этиб, уларни тижорат банкига қайтадан тақдим этиши мумкин.



Тақдим этилган ҳужжатларнинг рад этилиши учун асос бўлган камчиликлар қарз олувчи томонидан белгиланган муддат ичида бартараф этилиб, тижорат банкига тақдим қилинганда, ҳужжатларни кўриб чиқиш қарз олувчининг дастлаб тақдим этган аризаси асосида давом эттирилади.

Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш тўғрисидаги қарор уч иш кунидан кеч бўлмаган муддатда қабул қилинади, ҳужжатлар электрон кўринишда шакллантирилади ва имзоланади.

Қарз олувчи банк томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилган кредит шартномасини **10 кун мобайнида** имзоламаса, фуқаронинг кредит олиш тўғрисидаги аризаси рад этилади.

Агар тижорат банки томонидан кредит ажратиш рад этилганда, бу ҳақидаги қарор Ягона электрон платформага жойлаштирилади.

Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, қарз олувчига кредит ҳисобидан сотиб олинadиган маҳсулот ва хизматларни электрон савдо майдонидан танлаш ҳақида SMS-хабарнома юборилади.

Ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига кўра кредит суммасининг 10 миллион сўмгача бўлган қисми (ҳунармандлар учун 20 миллион сўмгача) банк карталарига ўтказиб берилади.

Ваколатли тижорат банклари томонидан алоҳида банк картаси очилиб, аризада кўрсатилган маблағлар қарз олувчиларга ўтказиб берилади.

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

-  томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи субъектларга тижорат банклари орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш, қуриштириш, сақлаш ва қадоқлаш лойиҳалари учун **2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга** Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада (шундан 5 фоиз банк маржаси) кредитлар ажратилади;
-  аҳоли томорқалари ва ижара ерларида ихчам музлаткичли омборхоналар, қадоқлаш, қуриштириш ва қайта ишлаш ускуналари, тайёр ҳолдаги иссиқхоналар **24 ойлик имтиёзли давр билан 5 йилда** бўлиб тўлаш шарти билан **лизингга** берилади.

Аҳолига ушбу кредитлардан томорқани ривожлантиришнинг бир нечта йўналишларида (паррандачилик, қуёнчилик, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик ва ихчам иссиқхона) фойдаланишга рухсат этилади.

Ер майдони **10 сотихдан ортиқ** бўлган томорқа ер эгаларига **50 млн сўмгача** гаровсиз кредитлар ажратилади.

10 сотихли ихчам иссиқхоналарни барпо этиш ва балиқчилик фаолиятини ташкил этиш учун ташаббускорларга **100 млн сўмгача** гаровсиз кредитлар ажратилади.

Маҳсулот етказиб берувчи томонидан маҳсулотга тегишли зарур маълумотлар (мотороллер, мотокультиватор, тикув машиналарининг мотор, двигатель ёки кузов серия рақами) шартномага киритилмаса, маркетплейс тизимида шартнома расмийлаштириш имконияти автоматик тарзда чекланади.

Кредитнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш

Ҳоким ёрдамчиси мижозларнинг банк картасига ўтказиб берилган маблағларнинг мақсадли йўналтирилишини таъминлаш мақсадида лойиҳа амалга оширилаётган ҳудудга бориб, ҳақиқатда маҳсулот олинганлигини доимий равишда ўрганиб боради.

Ажратилган кредитларни ўз муддатида қайтармаган фуқаро ва тадбиркорлик субъектларига дастурлар доирасида янги кредитлар берилишига йўл қўйилмайди.

МАРКЕТПЛЕЙС ТИЗИМИ БИЛАН ИШЛАШ

Маркетплейс тизими маҳсулот ва хизматларни сотиш истаги бўлган барча тадбиркорлик субъектлари учун очик электрон савдо майдони (<https://smart-market.uz/>) ҳисобланади.

Барча тадбиркорлик субъектлари ўзларининг электрон рақамли имзолари ёрдамида маркетплейс тизимига кириб, ўз товар ва хизматлари тўғрисидаги маълумотларни мустақил равишда жойлаштириши ҳамда тизимнинг имкониятларидан эркин фойдаланиши мумкин.

Маркетплейс тизимида тадбиркорлик субъектлари ундан фойдаланиш тартиби ва шартлари билан танишганлиги ҳамда ушбу шартларга рози эканлиги тўғрисида электрон шаклдаги оммавий офертани имзолаш орқали иштирок этади.

Оммавий офертага асосан тадбиркорлик субъектларига қўшимча хизматлар тақдим этилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектларидан ўз товар ва хизматларини маркетплейс тизимига жойлаштирганлиги учун тўлов ундирилмайди.

Тижорат банки ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилгандан сўнг ўн беш иш куни мобайнида маркетплейс тизимида қарз олувчи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида маҳсулот ва хизматларни етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилиб, электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши лозим.

Маҳсулот ва хизматларни етказиб бериш тўғрисидаги шартнома белгиланган муддатларда имзоланмаган тақдирда, Ягона электрон платформа орқали кредит шартномаси ва тавсиянома автоматик тарзда бекор қилинади.

Маҳсулот етказиб берувчи томонидан мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини кафолатлаш мақсадида шартнома белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар шартнома қийматининг 3 фоизи миқдоридаги закат суммаси тизим томонидан банд қилиб қўйилади.

Маҳсулот етказиб берувчи томонидан қарз олувчига маркетплейс тизимида танлаган товар(лар) шартнома тузилган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда етказиб берилиши, хизматлар эса йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўрсатилиши лозим.

Маркетплейс тизими орқали маҳсулот етказиб бериш тартиби

Маҳсулот етказиб берилган ёки хизматлар кўрсатилгандан сўнг уларни топшириш-қабул қилиш мақсадида маҳсулот етказиб берувчи томонидан Ягона электрон платформанинг ўзида электрон ҳисоб-фактура расмийлаштирилади. Қарз олувчи маҳсулот ва хизматларни қабул қилиб олиб, қониқиш ҳосил қилганидан сўнг электрон ҳисоб-фактурани имзолайди.

Бунда жисмоний шахсларга товарлар (хизматлар) фискал белгили касса чеки асосида етказиб берилганлигига (хизматлар кўрсатилганлигига) эътибор қаратилади.

Ҳисоб-фактура имзоланганлиги тўғрисида ҳоким ёрдамчисига Ягона электрон платформа орқали хабар берилади. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида жойига чиққан ҳолда, товарлар ҳақиқатдан етказиб берилганлиги ёки берилмаганлиги (хизматлар кўрсатилганлиги ёки кўрсатилмаганлиги) тўғрисида фотоҳисобот шаклида электрон далолатнома тузади. Бунда ҳоким ёрдамчиси қарз олувчининг шахсини тасдиқлаш учун биометрик идентификациялашдан фойдаланади (Touch ID ва Face ID).

Тижорат банкларига тўлиқ имзоланган электрон ҳисоб-фактура ҳамда ҳоким ёрдамчиси томонидан тасдиқланган электрон далолатнома ушбу маҳсулотлар (хизматлар) учун тўловни амалга оширишга асос бўлади.

Қарз олувчи тадбиркорлик субъектларининг талабига кўра сотиб олинadиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизматлар бўйича тўловлар

(аванс) маҳсулот етказиб бериш шартномасида тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

Етказиб берилган маҳсулот ва хизматлар учун тўловлар банк томонидан уч банк иш кунида маҳсулот етказиб берувчига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шундан сўнг маҳсулот етказиб берувчининг закатат суммасидан маркетплейс тизимининг хизмати учун белгиланган тўлов оммавий офертага асосан автоматик тарзда ундирилади ва закатат суммасининг қолдиқ қисми маҳсулот етказиб берувчига қайтариб берилади.

Ҳоким ёрдамчиси томонидан маҳсулот етказиб берилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги тўғрисида электрон далолатнома расмийлаштирилганда, қарз олувчи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида тузилган шартнома шартлари тўлиқ бажарилиши ёки шартнома бекор қилиниши лозим.


Маҳсулот етказиб берувчи томонидан мавжуд камчиликлар бартараф этилган ҳолда маҳсулот етказиб берилиб, шартнома шартлари тўлиқ бажарилганда, ҳоким ёрдамчиси уч иш куни мобайнида жойига чиққан ҳолда такроран ўрганиш ўтказди ва фотоҳисобот шаклида қайтадан электрон далолатнома тузади.

Такрорий ўрганишларда маҳсулот етказиб берувчи томонидан маҳсулотлар етказиб берилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги аниқланган тақдирда, ҳоким ёрдамчиси томонидан тавсияномани бекор қилиш бўйича электрон далолатнома расмийлаштирилади ва Ягона электрон платформа орқали кредит шартномаси автоматик тарзда бекор қилинади.

Маҳсулот етказиб берувчи томонидан етказиб берилган маҳсулот (хизмат) сифати таъминланганлиги ва белгиланган талабларга риоя этилганлиги фуқаролар томонидан баҳоланади ва ушбу баҳолаш натижалари жамоатчилик учун эълон қилинади.

ТОМОРҚА ЭГАЛАРИГА СУБСИДИЯ ВА ГРАНТЛАР АЖРАТИШ

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:



ҳар йили 500 та маҳаллада биттадан аҳоли томорқасида амалга оширилган энг намунали ва инновацион лойиҳа учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ошмаган миқдорда грантлар ажратилади;

уста деҳқонлар томонидан қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ҳар бир курс учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади;

муайян маҳалладаги 50 фоиз хонадонларнинг томорқасида экспортбоп маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиб берган уста деҳқонларга 100 миллион сўмгача субсидия ажратилади.



Сув таъминотини яхшилаш бўйича имтиёзлар



Аҳоли томорқа ерини суғориш учун чуқурлиги **10 метрдан**, Қорақалпоғистон Республикаси учун **5 метрдан** ортиқ бўлган кичик ҳажмдаги ҳар бир вертикал суғориш қудуғини бурғилаш ва ишга

тушириш билан боғлиқ харажатларнинг биринчи метридан бошлаб **100 фоизини**, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваридан** ошмаган қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратилади.

Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан томорқа эгаларига 01.02.2025 йил ҳолатига қуйидаги миқдорда субсидиялар ажратилади



енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун	>>>	базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача (11 млн 250 минг сўмгача);
суғориш воситалари харид қилиш учун	>>>	базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача (3 млн 750 минг сўмгача);
уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун	>>>	базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача (1 млн 125 минг сўмгача).

➤ Бу муҳим:

Мазкур субсидиялар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими, етказиб берувчи ташикilotлар ва томорқа ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шартнома асосида ажратилади.

● Субсидия олиш учун мурожаат қилиш

Томорқа эгаси енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш ва/ёки уруғликлар, кўчатлар ёхуд суғориш воситалари харид қилиш

учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Бунинг учун у тўғридан-тўғри ёки **“Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали** ўзининг доимий яшаш манзилидаги **ҳоким ёрдамчисига** мурожаат қилади.



Аризада талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва рақами (идентификацияловчи ID-карта рақами), ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оила аъзоси эканлиги ҳамда сўралаётган субсидиянинг тури кўрсатилади.

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун талабгор шахсан жавобгар ҳисобланади.

● Субсидия олиш учун аризани кўриб чиқиш тартиби

Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

1. “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали қуйидаги маълумотларни ўрганади:

- ☑ талабгор сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;
- ☑ талабгорни иссиқхона, суғориш воситаларини ўрнатиш, уруғлик, кўчатлар экиш имконияти мавжудлигини;
- ☑ талабгор ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оиланинг аъзоларидан бири эканлигини.

2. Жойига чиққан ҳолда қуйидагиларни ўрганади:



талабгорнинг фойдаланувида томорқа ерининг мавжудлигини;



талабгорни уруғликлар ва кўчатлар экиш учун имконияти мавжудлигини;



талабгорнинг енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш имконияти мавжудлигини;



талабгорни суғориш воситасига бўлган ҳақиқий эҳтиёжини.

3. Ҳоким ёрдамчиси ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қуйидагилар акс эттирилиши керак:



талабгорни ҳақиқатда ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оиланинг аъзоларидан бири эканлиги;



сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;



талабгорнинг енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш имконияти;



уруғликлар ва кўчатлар ҳамда суғориш воситаларига бўлган эҳтиёжи.

4. Далолатнома расмийлаштиргач, ҳоким ёрдамчиси “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали қуйидаги маълумотларни Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг тегишли ҳудудий бўлинмасига юборади:

- тавсия;
- субсидия олиш бўйича мурожаатчининг аризаси;
- ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 октябрдаги ПҚ–347-сон қарори билан **Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги** тугатилган ҳамда унинг штат бирликлари, вазифалари, функциялари ва мол-мулки Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тасарруфига ўтказилган.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун **ҳоким ёрдамчиси жавобгар** ҳисобланади.

Агарда томорқа эгаси юқорида кўрсатилган талабларга жавоб бермаса ёки жойига чиққан ҳолда ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда талабгорга хабарнома юборади.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг тегишли ҳудудий бўлинмаси **2 иш кунида**:

- ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;
- ўрганиш натижасига кўра (агарда ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Вазирликнинг тегишли ҳудудий бўлинмасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.

Бунда ҳоким ёрдамчисининг тавсияси ва расмийлаштирилган далолатномасида қайд этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги хулосада кўрсатилиши керак.

Хулосада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун Вазирликнинг тегишли ҳудудий бўлинмаси шахсан жавобгар ҳисобланади.

Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдиғини топмаса, Вазирликнинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан субсидия ажратиш

рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда тегишли ҳудудий бўлинма 2 иш кунида “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчисига ва талабгорга хабарнома юборади.

Вазирликнинг тегишли ҳудудий бошқармаси 2 иш кунида:

- хулосани ва у билан бирга юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;
- ўрганиш натижасига кўра (агарда хулоса ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) субсидия ажратиш тўғрисида ҳудудий бошқарманинг тегишли буйруғи қабул қилинади ҳамда бу ҳақда “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали тегишли ҳудудий бўлинма ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда талабгорга хабарнома юборади.

Хабарнома юборилган кундан бошлаб Вазирликнинг ҳудудий бошқармаси етказиб берувчи ташкилот ва талабгор ўртасида 10 иш кунида **уч томонлама шартнома** тузиш чораларини кўради.

Бунда талабгорнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, битта оила учун қуйидаги йўналишлардан бири бўйича уч томонлама шартнома тузилади:

 енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;

 суғориш воситалари харид қилиш;

 уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш.

Уч томонлама тузилган шартномада енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш, суғориш воситасини харид қилиш, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун олдиндан 30 фоиз миқдорида тўлов амалга оширилиши (назарда тутилиши) мумкин. Тўловнинг қолган қисми шартнома шартлари тўлиқ бажарилгандан сўнг тўланади.

 **Бу муҳим!**

Ушбу субсидия туридан фойдаланиш ҳуқуқи ҳар бир оилага фақат бир марта берилади.

Томорқа ер эгаларига субсидия ажратиш СХЕМАСИ

1-қадам

Томорқа эгаси ҳоқим ёрдамчисига ёзма ёки “Онлайн маҳалла” платформаси орқали мурожаат қилади.

2-қадам

Ҳоқим ёрдамчиси маълумотларни ўрганади, далолатнома тузиб Вазирликнинг тегишли ҳудудий бўлинмасига юборади.

3-қадам

Тегисли ҳудудий бўлинма маълумотларни ўрганиб, Вазирликнинг тегишли ҳудудий бошқармасига хулоса юборди.

4-қадам

Ҳудудий бошқарма маълумотларни ўрганиб, субсидия ажратиш бўйича буйруқ қабул қилади ва томорқа эгаси билан шартнома тузилишини таъминлайди.

Жами 17 иш кун

● Божхона имтиёзлари

Қуйидагиларни хориждан олиб киришда божхона божининг ноль ставкаси белгиланган:

**2027 йил
1 январга
қадар**



мотокультиваторлар
(ТИФ ТН коди – 8432 29 100 0)



бир ўқли тракторлар
(ТИФ ТН коди – 8701 10000 0)



минитракторлар
(ТИФ ТН коди – 8701 91 100 0 – 8701 94 100)

● Томорқа ер эгаларига тақдим этилган имтиёзларни тўхтатиш шартлари

Ҳоким ёрдамчиси томонидан ҳудуднинг иқлим шароитини инобатга олган ҳолда **ҳар чоракда** ўтказиладиган мониторинг натижасида **экин тўлиқ экилмаган ёки қаровсиз қолдирганлик ҳолати аниқланганда:**



томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликларига давлат дастурлари доирасидаги **имтиёзли кредитлар берилмайди;**



Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган фуқаролар учун назарда тутилган **имтиёзлар тўхтатилади;**



“Online mahalla” электрон платформаси маълумотлари асосида экин экилмаганлиги аниқланган йил учун **ер солиғи ставкаси 3 карра миқдорида** ҳисобланади.

Ушбу тартиб тажриба тариқасида жорий этилган!

Берилаётган имтиёзлар **“маҳалла еттилиги” хулосасига** асосан вақтинчалик тўхтатилади, қайта тикланади ва оширилган солиқ ставкалари қўлланади.

Тегишли маълумотлар “Online mahalla” электрон платформасига киритиб борилади.

Имтиёз ва амалдаги солиқ ставкаларини тиклаш

Қуйидаги шартлар бажарилганда барча имтиёзлар ва амалдаги солиқ ставкалари тиклаб берилади:

- томорқа ва ижарага берилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган, яъни экин экиладиган майдонларига **экин экилган тақдирда;**
- “маҳалла еттилиги” кафиллиги билан.

ХОНАДОНЛАРДА ТОМОРҚАЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Нашр учун масъуллар: *А. Мусаев*
Ш. Абдуллаев
М. Ахмедов

Тузувчилар: *Ш. Рабиев*
Ф. Тожиев
Қ. Усманов
Р. Насриддинов

Муҳаррир: *К. Зарипов*

Компьютерда саҳифаловчи: *Х. Холиёров*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лис. АИ № 032, 29.10.2019.

Тошкент шаҳри, Амир Темурашхон кўчаси, 19-уй.

Телефонлар: (99871) 233-28-18, (99871) 280-55-47

Веб сайт: www.adolatmarkazi.uz

e-mail: info@adolatmarkazi.uz

Босишга рухсат этилди ***.*.*2025 й.

Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆. “Segoe UI” гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи ****.

Нашриёт ҳисоб табоғи ****. Адади ***** нусха.

-буюртма.